

O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
15-iyul
chorshanba
№ 28 (1506)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqq boshlagan www.uzhurriyat.uz hurriyatuz@mail.ru t.me/hurriyatuz Hurriyat gazetasi

ШУКУХ

ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК ДАМЛАР

шу йилнинг 7-9 июль кунлари истеъдодли ёш ижодкорларнинг аъъанавий Зомин семинари бўлиб ўтди

Богбондан сўрасам бу жаннат номин,
Дейди лўнда қилиб: “Зомин бу, Зомин”.
Абдулла ОРИПОВ,
*Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири*

...Орта қайтмоқдамиз. Борлиқ аллақачон сокин тун кўчоғига сингиб кетган. Автобус шифтидаги майда чироқлар қоронғилик бағрида худди юлдузлардек милтиллайди. Ҳар ким ўз оламига фарқ бўлган. Орқа ўриндиқларда кимдир эндигина қоғозга тушган қораламасини ҳамроҳига ўқиб бермоқда. Олдинроқда эса бир гуруҳ ёшлар паст овозда янграётган мусиқа жўрлигида аллақандай ўйин билан банд. Мен бошимни ўриндиққа суяб, кун давомида кечган учрашувлар, айтилган фикрлар ва эшитилган шеърларни хаёлимдан бир-бир ўтказаман. Ёнимдаги шеригим аллақачон қулоқчинда янграётган мусиқа оғушида ўз дунёсига шўнғиб улгурган. Кимдир чарчоқдан мудрайди, яна кимдир телефон экранида янги ҳикоя ёки шеърнинг навбатдаги сатрларини қораламоқда.

Дарҳақиқат, ҳар бир ижодкорнинг қалбида илҳом уйғонадиган, фикри чарқланадиган ва сўзга бўлган муҳаббати янада мустаҳкамланадиган масканлар бўлади. Ана шундай манзиллардан бири — Зомин. Йиллар давомида республика ёш ижодкорлари учун чин маънодаги ижод мактабига айланган Зомин семинари бу йил ҳам юзлаб истеъдодли ёшларни бир мақсад — адабиёт ва ижод атрофида бирлаштирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган республика ёш ижодкорларининг аъъанавий Зомин семинари бугун нафақат адабий анжуман, балки устоз ва шогирдни, тажриба ва илганишни, илҳом ва масъулиятни богловчи муҳим ижодий майдонга айланди. Семинар истеъдодларни кашф этиш, уларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва ўзбек адабиётининг



муносиб давомчиларини тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу йилги ёш ижодкорлар анжумани 7-9 июль кунлари Зоминдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ тасарруфидаги “Зомин” сыхатгоҳида ташкил этилди. Мусасффо ҳаво, бетакрор табиат ва осойишта муҳит ёш қаламқашлар учун гўё илҳом манбаига айланди. Турли ҳудудлардан келган ижодкорлар бу ерда нафақат янги билим олдилар, балки ўзаро тажриба алмашиш, янги дўстлар орттириш ва ижодий қарашларини бойитиш имконига эга бўлишди. Бу йилги семинар яна бир муҳим жиҳати билан эътиборга сазовор бўлди. Илк бор “Ватандошлар” жамоат фонди кўмағида хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ўзбек ижодкорлари ҳам тақлиф этилди. Турли мамлакатлардан ташриф буюрган ёш қаламқашларнинг иштироки адабий мулоқотлар кўламининг янада кенгайтириб, ўзбек адабиёти дунё бўйлаб яшаётган ижодкорларни бирлаштирувчи маънавий куч эканини намоён этди. Уларнинг ижодий қарашлари, ҳаётий тажрибалари ва адабиёт ҳақидаги мушоҳадалари семинар иштирокчилари учун янги фикр ва таассуротлар манбаи бўлди.

Семинар аъъанана мувофиқ Тошкент шаҳридаги Адиблар хиббонида буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Бу рамзий тадбир миллий адабиётимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Шундан сўнг иштирокчилар Зомин сари йўл олиб, семинарнинг тантанали очилиш маросимида мамлакатимизнинг таниқли адиблари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашдилар. Зомин оқшомидаги кечки мушоира эса семинарнинг энг самимий ва унутилмас лаҳзаларидан бирига айланди.

Семинарнинг биринчи кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид ёш ижодкорларни анжуман билан қутлади. Бу қутлуғ ташаббус Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг адабиётга катта эътибори боис амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу анжумани ўтказишда кўмак бераётган мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири “Навоий кон-металлургия комбинати”га, Жиззах вилояти ва Зомин тумани ҳокимлиги, республика Халқ банки сингари ташкилот ва


идоралар мутасаддиларига миннатдорлик билдирди.

Семинарнинг иккинчи кунини эса мазмунан янада бой дастурлар билан давом этди. Шўъба машғулотларида иштирокчилар шеърят, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий таржима, публицистика ҳамда адабий танқид йўналишлари бўйича тажрибали устозлардан сабоқ олдилар. Ҳар бир йўналишда асарлар таҳлил қилиниб, ёш ижодкорларга амалий тавсиялар берилди. Ёш ижодкорларнинг асарлари юртимиз адабиётининг таниқли намоёндалари томонидан синчковлик билан қўриб чиқилди. Ҳакамлар ҳайъатидан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ шоирлари Маҳмуд Тоир, Хосият Бобомуродова, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, Уюшма раиси ўринбосарлари Фарид Афрўз, Файрат Мажид, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг худудий бўлим раҳбарлари ва Уюшманинг масъул вакилларидан Меҳрибон Абдурахмонова, Норинисо Қосимова, Хуршида Қўчқорова, Гавҳар Ибодуллаева, Тошпўлат Тугалов, Ғулом Абдиев, Шодмон Сулаймонов, Баҳриддин Садриддинов, Ментнор Олламурод, Дилшода Эргашева, Маъмура Зоҳидова, Яхёбек Фаёзов, Нарғиза Асадова, Фозил Жабборов сингари таниқли ижодкорлар ўрин олдилар.

Шунингдек, Сирожиддин Рауф, Салим Ашур, Нурбой Жабборов, Тоҳир Қаҳҳор, Дилшод Ражаб, Муҳиддин Омон, Зиёвуддин Мансур, Феруза Адилова, Абдурасул Жумакул, Орзикул Эргаш, Нурилла Чори, Шоира Шамс каби таниқли ижодкорлар ҳам ёшларнинг ҳар бир ижодий намуналарини эътибор билан кўздан кечириб, фикр-мулоҳазаларини самимий тарзда билдирдилар.

3-6

ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН



Медиясаводхонлик ва фактчекнингнинг замонавий жамиятдаги ўрни

Бир неча сония... Бугунги кунда биргина шу вақтнинг ўзи миллионлаб ахборотларнинг дунё бўйлаб тарқалиши учун етарлидир. Эрталаб уйғонганимиздан бошлаб телефон экранидаги ўнлаб хабарлар, видеолар, суратлар ва овозли хабарлар бизни қарши олади. Кимдир улашади, кимдир изоҳ қолдиради, яна кимдир эса ўқиб ҳам ўтирмай, бошқаларга юборади. Ахборот ҳеч қачон бугунгидек тез тарқалмаган. Аммо бир савол туғилади: биз истеъом қилаётган ахборотнинг қанчаси ҳақиқат?

Сўнгги йилларда “fake news” (ёлғон хабарлар), “дезинформация”, “дипфейк”, “манипулятив контент” каби тушунчалар ҳаётимизнинг одатий қисмига айланди. Бир вақтлар ёлғон хабарни тарқатиш учун катта маблағ ёки махсус имкониятлар керак бўлган бўлса, бугун оддий смартфон ва сунъий интеллект воситалари ёрдамида бир неча дақиқада миллионлаб инсонларни қалғитадиган материал тайёрлаш мумкин. Энг хавфлиси эса ёлғон ахборотнинг ўзи эмас, балки одамларнинг уни ҳақиқат деб қабул қилишидир. Шу сабабли бугунги дунёда инсоннинг энг муҳим компетенцияларидан бири медиясаводхонлик ҳисобланади.

Қўпчилик медиясаводхонлигини интернетдан фойдаланишни билиш ёки ижтимоий тармоқларда фолл бўлиш билан боглайди. Аслида эса бу анча кенг тушунчадир. Медиясаводхонлик — ахборотни танқидий баҳолаш, унинг манбасини аниқлаш, манипуляцияни аниқлаш ҳамда ҳиссиётга берилмай, далиллар асосида хулоса чиқариш маданиятидир. Бу кўникма нафақат журналист, балки ўқитувчи, шифокор, тадбиркор, талаба, ота-она ва умуман, ҳар бир фуқаро учун зарур. Бугун урушлар фақат қурол билан олиб борилмаяпти. Ахборот ҳам таъсир ўтказишининг энг кучли воситаларидан бирига айланди.

Битта ёлғон хабар одамлар орасида ваҳима уйғотиши, жамиятда ишончсизлиқни кучайтириши ёки муайян қарорларга таъсир қилиши мумкин.

6-6

ФАОЛИЯТ



Жорий йилнинг 24 июнь кунини Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказилган “Global Sustainable Development Congress-2026” доирасида нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — “Times Higher Education” (THE) томонидан “THE Sustainability Impact Ratings-2026” (аввалги “THE Impact Rankings”) натижалари эълон қилинди.

Унга кўра 2026 йилги рейтингда Тошкент давлат тиббиёт университети дунёнинг “TOP-1000” талик олий таълим ташкилотлари қаторидан муносиб ўрин олди.



ГЛОБАЛ РЕЙТИНГДАГИ ТАРИХИЙ ЮТУҚ

2026 йилги рейтингда Тошкент давлат тиббиёт университети дунёнинг “TOP-1000” талик олий таълим ташкилотлари қаторидан муносиб ўрин олди

Дунёда университетлар кўп, бироқ уларнинг барчаси ҳам инсоният тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан баҳоланавермайди. XXI асрда олий таълим муассасасининг нуфузи энди фақат талабалар сони ёки замонавий бинолари билан эмас, балки илм-фан, инновация, жамият ва инсон капитали ривожига қўшаётган амалий ҳиссаси билан ўлчанмоқда. Ана шу мезонлар халқаро рей-

тингларнинг ҳам асосий баҳолаш тамойилига айланди.

Шу маънода, “Times Higher Education (THE) Impact Rankings” бугунги кунда жаҳондаги энг нуфузли халқаро рейтинглардан бири ҳисобланади.

2-6

ФАХР

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

БЕКОБОД. МЕҲР ВА МЕТАЛЛ ТАЪРИФИДА

Элдошларим иродаси темирдан, ҳам метиндан,
Биз бирлашсак – буюк халқмиз, биргалашсак, биз – Ватан!

Бекободим, иродаси темир-бетон шахримсан,
Не-не ошиқ шоирларга орзу-армон шахримсан.

Ортга қайтмас шаштларинг зўр, қарвонларинг бор бўлсин,
Темир-метин иродали сарбонларинг бор бўлсин!

Тинч бўлсин деб дунё тун-кун дуо айлар оналар,
Мамлакатга металл керак милён-милён тонналар.

Она шахрим, шамолларинг бағринг аро кезган дам,
Шеърим билан шамол бўлиб эсим келар менинг ҳам.

Янги-янги уй-жойларга маҳалла-қўй тўлгуси,
Бу темирлар кўркам, маҳкам иморатлар бўлгуси.

Темир янглиғ, метин янглиғ яхлит бир жону танмиз,
Элдошларим, бир бўлсак биз – бир халку бир Ватанмиз!

Шоир, сен ҳам бу ҳаётни оташ шеърларга тўлди,
Металлургиянг шулдир! Металлургиянг шулдир!

Эгатларда қолиб кетган йилларимнинг қарзидай,
Маъданам деб, метиним деб фахрлансам арзига.

Бизлар фарзанд ўстиргаймиз – муносиб, мутаносиб,
Ўғил – қизга муносибдир. Қиз – ўғлонга муносиб.

Ўғил-қизда келажакнинг жамолини кўргаймиз,
Бизлар Ватан ўстиргаймиз, бизлар Ватан қургаймиз.

Ўйламанки, бир сўзимни оғир олмас шоирлар:
Замон юкин енгиллатинг, қилманг уни оғирлар.

Кўз олдимда Вақт эмас, гуррос солиб ўтар Сўз,
Давр сендан Сўз қутмоқда, замон сендан қутар Сўз.

Бир юз ўн минг эл-улуснинг кўзларига тик қараб,
Шеърлар айтсанг, юзинг ёруғ – бу не толе, не шараф!

Сизникидир бу имконлар – ҳар бир ўғил-қизники,
Бу давронлар Сизникидир! Бу замонлар – Сизники!

Рақам урсам – сафларингиз ўттиз мингдан зиёда,
Шундай ўғил-қизларим бор доно, зукко, озода.

Темирданмиз, пўлатданмиз, метиндан бир жону тан,
Биз бирлашсак – буюк халқмиз, биргалашсак – биз Ватан!

Эл номига келтирмоқ-чун рағбатлару раҳматлар,
Ҳали қанча меҳнат керак, ҳали қанча заҳматлар.

Қалбинг жўшар – худди металл қайнаётган кўрадир,
Ватан сендан сўз сўрайдир, эл-улус сўз сўрайдир.

Қурол-яроғ уйнаб турган қаттол дунё бир тараф,
Элни китобга қайтарган инсонларга шон-шараф!

Темирқанот жуужуқларинг бургут бўлсин, сор бўлсин,
Метин иродали марди майдонларинг бор бўлсин!

Янги шахар, Сирдарёдан нариёғи Хўжанддир,
Темурмалик полвон келса – бу тарихий ҳужжатдир.

Давру замон солномасин тарих ўзи баҳолар,
Бунда не-не чемпионлар ўсар, не-не даҳолар.

Темир янглиғ, метин янглиғ бизлар бир жону танмиз,
Элдошларим, биз бирлашсак – бир халку бир Ватанмиз.

Темирданмиз, пўлатданмиз, метинмиз – бир жон ва тан.
Биз бирлашсак – буюк халқмиз, биргалашсак, биз – Ватан!..

1-6. У университетларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган 17 та Барқарор ривожланиш мақсади ("SDGs")ни амалга оширишга қўшаётган ҳиссасини баҳолайди. Мазкур рейтинг таълим сифати, илмий тадқиқотлар, соғлиқни сақлаш, инновациялар, ижтимоий масъулият, халқаро ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт каби кўплаб мезонларни комплекс таҳлил қилади.

2026 йил натижалари Тошкент давлат тиббиёт университети учун муҳим тарихий воқеани муҳрлади. Университет дунёнинг "TOP-1000" олийгоҳи қаторига кириб, 601-800-ўринлар гуруҳидан жой олди.

Бу натижа шунчаки статистик кўрсаткич эмас, балки Ўзбекистон тиббий таълимининг халқаро мезонлар асосида муносиб баҳоланганидир. Шунингдек, бу — университетда кейинги йилларда амалга оширилган тизимли ислохотлар, таълим сифати, илмий муҳит ва халқаро ҳамкорлик фаолияти жаҳон экспертлари томонидан эътироф этилганининг амалий тасдиғидир.

Энг муҳими, университетнинг "Соғлиқ ва фаровонлик" ("SDG-3") йўналиши бўйича "TOP-100" таликка кириб, дунёда 81-ўринни, Ўзбекистонда эса 1-ўринни эгаллаши тиббиёт соҳаси учун алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур йўналишда университетнинг клиник фаолияти, илмий тадқиқотлари, профилактика дастур-

ГЛОБАЛ РЕЙТИНГДАГИ ТАРИХИЙ ЮТУҚ

2026 йилги рейтингда Тошкент давлат тиббиёт университети дунёнинг "TOP-1000" талик олий таълим ташкилотлари қаторидан муносиб ўрин олди

базалари ҳисобланган тиббиёт муассасаларида ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлдилар. Университетнинг клиник базалари сони кенгайтирилиб, таълим жараёни республикамизнинг етакчи тиббиёт марказлари (университет клиникалари, республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, шаҳар ва вилоят шифохоналари,

садини кўйди. Бу эса таълим мазмунини янгилаш, илмий тадқиқотлари кенгайтириш, клиник амалиётни такомиллаштириш ва бошқарув тизимини замон талаблари асосида ислох қилишни талаб этарди.

Аввало, таълим жараёни рақамли технологиялар билан бойитилди. Симуляцион марказлар ташкил этилди, виртуал таълим платформалари жорий қилинди, сунъий интеллект элементларини тиббий таълимга татбиқ этиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Бу ўзгаришлар талабаларнинг назарий билимларини амалий кўникмалар билан уйғунлаштириш имкониятларини янада кенгайтди.

Шу билан бирга, университет халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга устувор аҳамият берди. Академик мобиллик дастурлари кенгайди, хорижий профессорлар иштирокида маърузалар ва маҳорат дарслари ташкил этилди, қўшма илмий тадқиқотлар кўлами ортди. Бу эса профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун халқаро тажрибани ўзлаштириш имкониятини яратди.

Бироқ университет тараққиётининг энг муҳим омилги — илм-фанга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгарганидир. Илмий фаолият энди фақат диссертация ёзиш ёки мақола чоп этиш билангина чекланиб қолмади. Университетда илмий гоёнинг амалиётга татбиқ этилиши, тадқиқот натижаларининг клиник фаолиятга жорий қилиниши ва уларнинг жамият саломатлигига хизмат қилиши асосий мезон сифатида қаралмоқда.

Айни пайтда университетда фундаментал ва амалий тиббиёт интеграцияси кучайиб, тиббиётнинг долзарб муаммоларига инновацион ечимлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёндашув нафақат илмий самарадорлиқни оширмоқда, балки университетнинг халқаро илмий майдондаги нуфузини ҳам мустаҳкамламоқда.

Таълим, илм-фан ва клиник амалиётни бир бутун тизим сифатида ривожлантириш орқали Тошкент давлат тиббиёт университети ўзининг стратегик тараққиёт моделини шакллантирди. Бугун халқаро рейтингларда қайд этилаётган натижалар ана шу моделининг самарадорлигини яққол тасдиқламоқда.

Ҳар қандай университетнинг ҳақиқий қудрати унинг бинолари ёки моддий базаси билан эмас, балки инсон капитали билан ўлчанади. Дунёнинг энг нуфузли университетлари тарихи шуни кўрсатадики, илмий мактаблар, кучли профессорлар ва улар тарбиялаган шоғирдлар университет брендини шакллантиради. Тошкент давлат тиббиёт университетининг халқаро рейтингда эришган натижалари замирида ҳам, аввало, унинг интеллектуал салоҳияти муҳасамдир.

Бугун университетда неврология, педиатрия, фармакология, жарроҳлик, оториноларингология, генетика, микробиология, биотиббиёт муҳандислиги, клиник тиббиёт ва фундаментал фанлар бўйича шаклланган илмий мактаблар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Бу мактаблар нафақат республика тиббиёти тараққиётига, балки халқаро илмий ҳамкорлиқнинг ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сўнгги йилларда университетда илмий фаолиятни рағбатлантиришнинг янги механизми шаклланди. Профессор-ўқитувчиларнинг "Scopus" ва "Web of Science" халқаро маълумотлар базаларидаги нашрлари кўлайди, халқаро грантлар ва қўшма тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Бу жараён университетнинг жаҳон илмий ҳамжамияти билан интеграциясини янада мустаҳкамлади.

Бироқ интеллектуал салоҳиятни фақат мақолалар ёки диссертациялар сони билан ўлчаб бўлмайди. Университетнинг ҳақиқий бойлиги — бу устувор тажрибасининг янги авлодга узатилиши, илмий мактаблар давомийлигини таъминланиши ва ёш тадқиқотчиларнинг

шаклланишидир.

Бу борада Тошкент давлат тиббиёт университетида илм-фани оммалаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимлар ҳақидаги очерклар, ҳужжатли лавҳалар, илмий-маърифий лойиҳалар, профессорлар ҳафталиклари каби ташаббуслар университетнинг интеллектуал меросини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилмоқда. Бу ишлар фақат ахборот тарқатишига эмас, балки ёшларда илм-фанга ҳурмат уйғотида, устоз-шоғирд аънасини мустаҳкамлайди ва илмий муҳитнинг барқарор ривожланишига замин яратади.

Бугун халқаро рейтинглар айнан шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки замонавий университетнинг вазифаси билим бериш билан чекланмайди. У илм яратади, инновация ишлаб чиқаради, жамият эҳтиёжларига жавоб беради ва келажак тараққиёти учун интеллектуал муҳитни шакллантиради. Тошкент давлат тиббиёт университети ана шу йўлни танлагани боис халқаро майдонда муносиб эътирофга сазовор бўлмоқда.

Бугун Тошкент давлат тиббиёт университетида фундаментал тадқиқотлар клиник амалиёт билан чамбарчас боғланмоқда. Янги илмий гоё аввал лабораторияда туғилади, сўнгра клиник синовлардан ўтиб, такомиллашади ва фақат самарадорлиги тўлиқ исботлангандан кейингина беморлар ҳаётига татбиқ этилади.

Бу интеграция университет илмий-тадқиқот фаолиятининг асосий тамойилига айланган. Лабораторияда олиб борилаётган тадқиқотлар бевосита клиник муаммолардан келиб чиқмоқда, натижалар эса тезкорлик билан амалиётга жорий этилмоқда. Айнан шу ёндашув Тошкент давлат тиббиёт университетининг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини оширишда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Университетнинг илмий мактаблари нафақат янги билимлар яратиш, балки уларни соғлиқни сақлаш тизимига тезкорлик билан татбиқ этиш қобилиятини ҳам намоёиш этмоқда.

Замонавий дунё университети олдида



вожланиши орқали соғлом миллат ва тараққий этган Ўзбекистонни қуришга ўз муносиб ҳиссасини қўшаётган олийгоҳ сифатида бугун ўзининг янги тарихини ёзмоқда.

Халқаро рейтинглар университет тарихида янги саҳифа очади. Бироқ ҳар қандай эътироф, аввало, келажак олдидаги масъулиятни янада оширади. Чунки илм-фан рақобатида кечги муваффақият бугунги устунлиқни кафолатламайди. Уни сақлаб қолиш учун изчил тараққиёт, янги гоёлар ва узлуқсиз изланиш талаб этилади.

Тошкент давлат тиббиёт университетининг "THE Impact Rankings-2026" натижалари ҳам айнан шу ҳақиқатни тасдиқлади. Бу ютуқ бир йиллик меҳнат маҳсули эмас. У — йиллар давомида шаклланган илмий муҳит, стратегик бошқарув, профессор-ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнати, ёш олимларни кўллаб-қувватлаш сиёсати ва халқаро ҳамкорлиқнинг мантикий самарасидир.

Бугун университетда амалга оширилаётган ҳар бир ислохот — рақамли таълимдан тортиб, сунъий интеллект технологияларини жорий этишгача, фундаментал тадқиқотлардан халқаро илмий ҳамкорликкача бўлган барча жараёнлар ягона мақсадга хизмат қилмоқда. Бу мақсад — мамлакатимизда рақобатбардош тиббий таълимини шакллантириш, жаҳон илм-фани билан тенгма-тенг мулоқот қила оладиган олимлар ва мутахассисларни вояга етказишдан иборат.

Энг муҳими, университетда илм-фан фақат лаборатория ёки аудитория билан чекланиб қолмаяпти. У клиник амалиётга кириб бормоқда, соғлиқни сақлаш тизимига хизмат қилмоқда, жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган илмий ечимларни яратмоқда. Бу эса замонавий университет фаолиятини баҳолайдиган энг муҳим мезондир.

Президентимиз раҳбарлигида олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оши-



лари, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари ҳамда қўшаётган амалий ҳиссаси комплекс баҳоланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, университет 2030 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурида белгиланган муҳим мақсадлардан бирига муддатидан илгари — 2026 йилнинг ўзидаёқ эришди. Бу эса олийгоҳда қабул қилинган тараққиёт стратегияси изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Университет ташкил этилганидан буён Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли тиббиёт олийгоҳи сифатида ўзининг улкан салоҳиятини намоеён этиб келмоқда. Бугунги кунда университетда 4,5 мингга яқин профессор-ўқитувчи томонидан бакалавриятнинг 15 та таълим йўналиши, магистратуранинг 54 та мутахассислиги, клиник ординатуранинг 54 та мутахассислиги ҳамда докторантуранинг 42 та ихтисослиги бўйича 32 мингдан зиёд талабага таълим хизматлари кўрсатишмоқда.

Университетнинг инфратузилмаси замонавий ва ўзига хос бўлиб, ўз ичига 3 та кампус (бош кампус, педиатрия ва стоматология кампуслари), 3 та кўп тармоқли университет клиникаси, 3 та академик лицей, 2 та минтақавий филиални қамраб олган. Шунингдек, таркибиде энг сўнгги русумдаги робот-симуляторлар, фантомлар ва зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган ўқув-симулятори марказлари, ахборот-ресурс марказлари, 10 та марказ, 11 та ўқув биноси, 14 та талабалар турар жойи, 13 та факультет ва 111 та кафедра мавжуд.

Англия, Германия, Литва, Италия, Корея, Туркия, Хитой каби мамлакатларнинг ундан ортиқ вакилидан иборат Халқаро экспертлар кенгаши таъсис этилди. Университетнинг ташкилий тузилмаси, мавжуд ўқув дастурлари ва ўқув режаларини шакллантиришда уларнинг илгор хорижий тажрибига асосланган тақлимли, хулосалари ва тақризлари олинди, таълим тизими қайта қўриб чиқилди. Бу жараёнда 6 та бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режалари ва малака талаблари халқаро стандартларга мослаштирилди; ўқув дастурлари "TOP-300" таликка кирган ОТМларнинг дастурлари асосида такомиллаштирилди. "GIZ" (Германия), Любек университети (Германия) ва бошқа хорижий ҳамкорлар иштирокида илгор тажрибалар асосида компетенцияга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилди.

Университет фаолиятини ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида барча ўқув аудиториялари, маъруза заллари ҳамда илмий ва ўқув лабораториялари тўлиқ модернизация қилинди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория реактивлари, фантом ва муляжлар билан жиҳозлаш орқали таълим жараёни ва илмий изланишларни чуқурлаштириш имконияти яратилди. Лабораториялар фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун методик йўриқномалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Таълим жараёни тубдан трансформация қилинди: кредит-модуль тизими, замонавий педагогик технологиялар, виртуал лабораториялар, "VR/AR" технологиялари, робот-симуляторлар ва сунъий интеллектга асосланган интерактив платформалар жорий этилди.

Университетда дуал таълим тизими йўлга қўйилиши натижасида талабалар назарий билимларни аудиторияда олиб, амалий кўникмаларини бевосита университетнинг клиник

оилавий поликлиникалар, хусусий шифохоналар, санитария-эпидемиология оқсийшталлиги ташкилотлари)нинг юқори технологияли лабораториялари ва клиник материалларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида таълим сифати ва битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси сезиларли даражада ошди.

Университетнинг халқаро майдондаги нуфузи ва маъқеи тобора юксалиб бормоқда. Бугунги кунда 190 та хорижий университет ва тиббиёт маркази билан ҳамкорлик ўрнатилган, 27 та таълим йўналиши Бутунжаҳон тиббий таълим федерацияси талабалари асосида халқаро аккредитациядан ўтган, хорижий ҳамкорлар билан 37 та қўшма таълим дастури амалга оширилмоқда. 30 дан ортиқ давлатдан келган 3,5 мингдан зиёд хорижий талаба университетимизда таҳсил олмоқда.

Университетда амалга оширилган ислохотлар — таълим дастурларининг халқаро стандартларга мослаштирилиши, хорижий профессорларни жалб этиш, рақамли технологиялар ва симуляцион ўқитишнинг жорий этилиши, шунингдек, нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорлиқнинг кенгайтирилиши натижасида олийгоҳ битирувчилари нафақат миллий, балки халқаро меҳнат бозори талабларига ҳам тўлиқ жавоб бера оладиган мутахассислар бўлиб етишмоқда. Буларнинг барчаси университет фаолиятининг барча йўналишлари халқаро стандартларга изчил мослаштирилаётгани ва кенг жорий қилинаётганидан далолат беради.

Халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш тасодиф ёки қисқа муддатли кампания маҳсули эмас. Бу — йиллар давомида шаклланган тараққиёт стратегияси, аниқ режалаштирилган бошқарув ва тизимли меҳнатнинг натижасидир. Тошкент давлат тиббиёт университети "THE Impact Rankings-2026" рейтингидеги муваффақияти ҳам айнан шу тамойилларга таянган ҳолда қўлга киритилди.

Сўнгги йилларда университет ўз олдида фақат малакали шифокор тайёрлаш вазифасини эмас, балки халқаро микёсда рақобатбардош илмий-таълим марказини шакллантириш мақ-



фақат билим бериш ва тадқиқот ўтказиш вазифасигина қолмаган. Бугунги кунда университет жамиятининг долзарб муаммоларига ечим топиши, инновациялар яратиши, иқтисодиёт ва давлат тараққиётига бевосита ҳисса қўшиши лозим бўлган муҳим институтга айланди.

Тошкент давлат тиббиёт университетида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар айнан шу янгица талабларга жавоб беришга қаратилган. Таълим, илм-фан ва клиник амалиёт ягона, узвий тизим сифатида ривожлантирилмоқда. Бунинг натижасида университет нафақат малакали мутахассислар тайёрлаш, балки соғлиқни сақлаш соҳасидаги илгор ечимларнинг генераторига айланмоқда. Сунъий интеллект, рақамли тиббиёт, симуляцион технологиялар, халқаро ҳамкорлик ва инновацион лойиҳалар университетнинг келгуси тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларига айланди.

"THE Impact Rankings-2026" рейтингидеги эришилган муваффақият Тошкент давлат тиббиёт университети учун охириги чўққи эмас, балки янада юксак марралар сари қўйилган муҳим қадам, янги босқичдир.

Ушбу юқори натижа университетнинг илмий салоҳияти, инновацион ёндашуви ва жамиятга хизмат қилишга қаратилган фаолияти жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради. Шунингдек, бу — Янги Ўзбекистон тиббиётининг интеллектуал салоҳияти, кучли илмий мактаблари ва юқори даражадаги инсон капитали глобал микёсда тобора катт олинаётганининг ёрқин далилидир.

Тошкент давлат тиббиёт университети таълим, илм-фан ва амалиётнинг ҳамоҳанг ри-

рилаётган кенг қўламли ислохотлар университетлар олдида мутлақо янги вазифаларни кўйди. Эндилкида университет фақат мутахассис тайёрлайдиган таълим маскани эмас, балки инновациялар, интеллектуал гоёлар ва илмий тараққиёт марказига айланиши лозим. Тошкент давлат тиббиёт университети бугун айнан шу йўлда бормоқда.

2030 йилга мўлжалланган стратегик вазифаларнинг муҳим қисмига муддатидан илгари эришилгани ҳам университет жамоасининг юксак салоҳияти ва танланган тараққиёт йўли тўғри эканлигини кўрсатади. Бу эса келгусида халқаро марраларни забт этиш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

"THE Impact Rankings-2026" рейтингидеги бугунги натижа Тошкент давлат тиббиёт университети натижасидаги муваффақиятига эмас. Бу — Янги Ўзбекистонда илм-фан, тиббий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг халқаро майдондаги муносиб эътирофи, миллий илмий мактаблар қудрати ва инсон капиталига берилган юксак баҳодир.

Зеро, университетнинг ҳақиқий нуфузи унинг деворлари билан эмас, балки етиштирган олимлари, яратган илмий мактаблари ва жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан ўлчанади. Тошкент давлат тиббиёт университети бугунги ютуғи эса ана шу юксак мезоннинг ёрқин ифодасидир.

Шухрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети
ректори,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор.

ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК ДАМЛАР

шу йилнинг 7-9 июль кунлари истеъдодли ёш
ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари бўлиб ўтди

1-6. Баъзан биргина жумла устидаги муҳоама ҳам бутун асарга янгича нигоҳ билан қарашга ундарди. Энг муҳими, муҳит эркин, самимий ва ижодий руҳда кечди. Устозлар ва шогирдлар бир даврада фикр алмашиб, баҳс ва мушоҳадалар орқали ҳар бир иштирокчи ўз ижодини бойитиш имконига эга бўлди. Шу маънода, Зомин семинари имтиҳон майдони эмас, балки ҳақиқий ижодий мулоқот макони эканини яна бир бор намоён этди.

Ёш ижодкорларнинг адабиёт анжуманида Жиззах вилояти ҳокими Улғубек Мустафоев ҳам қатнашиб, ижод аҳлини ушбу анжуман билан муборақбод этди. Зомин семинарининг ёш иқтидорларни кашф этишдаги ўрни хусусида сўз юритди.

Анжуманга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг таширф буюргани ва адиб иштирокидаги маҳорат дарси семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Ёзувчи бадиий ижоднинг нозик жиҳатлари, асар устида ишлаш маданияти, ижодкорнинг жамият олдидаги бурчи ҳақида самимий фикрларини билдирди. Атоқли адиб ўзининг "Ishonch telefoni" китобидан айрим ҳикояларни ўқиб бериб, бадиий асарнинг ҳаётий кузатув ва инсон руҳиятини чуқур англаш асосида яратилишини мисоллар орқали тушунтирди. Маҳорат дарси қизгин савол-жавобларга улашиб кетди. Ёш ижодкорлар ва устозлар адибдан давлат хизматидаги масъулиятли фаолияти, Президентимиз ҳузуридаги муҳим вазифалар билан бир қаторда ижод қилишга қандай вақт топиши, ёзувчи сифатида ўз устида ишлаш жараёни ҳамда яхши ижодкор бўлиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида саволлар бердилар. Хайриддин Султон эса ёзувчи учун фақатгина истеъдоднинг ўзи кифоя эмаслигини, чинакам ижод муттасил мутолаа, ҳаётни теран кузатиш, узлуksиз изланиш ва энг аввало халқ олдидаги масъулиятни чуқур

ҳис этиш билан камол топишини алоҳида таъкидлади. Ёзувчининг ҳар бир жавоби ёш қаламкашлар учун ижодий сабоқ, ҳаётий тажриба ва катта мактаб вазифасини ўташи аниқ. Зеро, сеvimли ёзувчимизнинг асарларини ўқимаган ёш ижодкорлар бўлмаса керак. Дастур доирасида Республика Маънавият ва маърифат марказининг "Сўз" лойиҳаси ижодкорлари томонидан адибнинг "Ялдо кечаси" асари асосидаги саҳнавий чиқиш намоиш этилди. Унда ижод ва экран санъати уйғунлиги яна бир бор намоён бўлди.

Семинарнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййиди, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Нодир Жонуюқ, Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари Дилмурод Худойшукуров сингари устозлар ёш ижодкорларни самимий табриклаб, мамлакатимизда адабиёт ва ижод аҳлига қаратилаётган эътибор, анъанавий Зомин семинарининг ёш истеъдодларни тарбиялашдаги ўрни ҳақида фикр билдирдилар. Фаол иштирок этган ёш ижодкорларга фахрий ёрлик, статуетка ва қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари топширилди. Бу эътироф улар учун янги марралар сари дадил қадам ташлашга ундовчи ишонч ва илҳом рамзи бўлди. Семинар якунида эса иштирокчилар учун Жиззах вилоятининг сўлим масканлари бўйлаб саёҳат уюштирилди. Хусусан, табиат мўъжизаси — Айдаркўлга борган иштирокчилар янги таассуротлар ва унутилмас хотиралар билан қайтишди.

Семинар якунланди. Зоминда уч кун давом этган завқли онлар ижодкор ёшлар қалбига узок йилларга татиғулик унутилмас ҳаяжонларни бахш этди.

Фарангиз АБРУЕВА,
республика ёш ижодкорларининг
анъанавий Зомин семинари
иштирокчиси.

МУНОСАБАТ

МАРДЛАР ЖАСОРАТИ МАНГУДИР

“Hurriyat” газетасининг 2026 йил 8 июлдаги сонида чоп этилган таниқли публицист Муҳаббат Ҳамидова қаламига мансуб “Қизғалдоқлар йиғиси” номли эссени ўқиб, беихтиёр мустақиллиқнинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг турли гўшаларида содир этилган хунрөзликлар ва муҳдиш воқеалар кўз олдимиздан ўтди. Истиқлолимизни кўролмаган, эл-юртимиз оромини, тинчлик-осойишталигини бузиш ҳаракатида бўлган ғаламисларга қарши олиб борилган аёвсиз курашлар беихтиёр ёдимизга тушди.

Муқаддас китобларда ва улуг мутафаккирларнинг асарларида Ватан доимо улуглаб келинган. Ҳадиси шарифлардан бирида “Ватанини севиш иймондандир”, дейилган. Узок ва яқин тарихга назар ташласак, чин инсонлар она юртини ёвуз душманлардан ҳимоя қилишни, халқ тинчлиги ва осойишталигини асрашни ўзларининг муқаддас бурчи деб билганликларига гувоҳ бўламиз. Мард ўғлонлар юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида, керак бўлса, жонларини фидо этишган.

Муҳаббат Ҳамидова ўз кечинмаларида мустақиллигимизни ёвуз кимсалардан ҳимоя қилиш йўлида жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган ана шундай мард ўғлонларимиздан бири — Баҳром Жўраевни ёдга олган. Унинг ҳарбий офицер бўлиш иштиёқида Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билими юртига ўқишга кирганини қайд этади. Қаҳрамоннинг оилапарварлиги, ота-онасига меҳри ва ҳурмати бўлақча бўлгани ҳақида сўз юритади. Муаллиф Баҳром Жўраевнинг бир қанча ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимлари қатори Сурхондарё вилоятининг Сарисий туманига суқилиб кирган террорчиларга қарши курашда мардона иштирок этганига алоҳида урғу беради.

Инсоннинг мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлиги фақат жанг майдонларида эмас, балки жиноятчилар билан юзма-юз келганда ҳам намоён бўлади. Ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларининг мамлакатимиз сарҳадларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги кундалик хизмат фаолияти хавф-хатардан холи эмаслиги кўпчиликка маълум.



Ўз ҳаётини юрт тинчлигини, эл осойишталигини таъминлашга бағишлаган юзлаб ходимларимиз ушбу шарафли йўлда азиз жонларини қурбон қилишган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир”, дея алоҳида таъкидлаган эди. Бугунги кунда қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини адо этиш чоғида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда хотира боғлари барпо этилди. Ўз она юртини ганимлардан ҳимоя қилиш чоғида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, шаҳид бўлган Ватан ҳимоячилари, ҳуқуқ-тартибот посбонлари ҳақида китоблар нашр қилинди. Уларнинг шонли ҳаёт йўли ва қаҳрамонлигини мадҳ этувчи туркум мақолалар ҳамда шеърлар битилди. Шу маънода, бундай савобли ишга муносиб ҳисса қўшгани учун “Қизғалдоқлар йиғиси” номли хотиранома муаллифига чуқур миннатдорлик билдираимиз.

Таниқли журналист ва адиба Муҳаббат Ҳамидова ёзганидек, Андижонда содир этилган

муҳдиш воқеалар пайтида мустақиллигимизни, тинч-осуда ҳаётимизни, тараққиётимизни кўра олмайдиган бир ғуруҳ ёвуз ниятли манфур кимсалар гаровга олинган одамларни ўзларига қалқон қилиб, блок-постга яқинлаштишган. Шундай қалтис вазиятда ҳам капитан Баҳром Жўраев ва унинг сафдошлари ўзларини йўқотмади, аксинча, уларга тик қараб: “Тинч йўл билан қуролларни топширинг. Гаровдагиларни қўйиб юборинг”, — дея талаб қилдилар.

Афсуски, ваҳший бузғунчилар номардлик қилиб, биринчи бўлиб Баҳром Жўраев ва бошқа осойишталик посбонларига қарата ўқ ёмғирини ёғдирди. Шундан сўнг юз берган тўқнашув оқибатида бир неча ҳарбий хизматчи ва ички ишлар органлари ходими қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ҳали ўттиз ёшга ҳам кириб улгурмаган Баҳром Жўраев ҳамда унинг сафдошлари яшашга ҳақли эдилар. Уларнинг ҳам қанчалаб орзу-хаваслари бор эди.

Нетонки, ҳар гал эслаганда, ёдга олганда яқин ўтмишимиздаги ана шундай воқеалар, йўқотилган юракларни оғритади. Она Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейин ҳам Ватан мустақиллигини авайлаб-асраш, ҳимоя қилиш осон кечмаган. Ганимлар ўз манфур мақсадлари йўлида қон тўкишдан тойишмаган. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев катта-катта йиғилишларда бугунги нотинч дунё ва унда кечаётган воқеа-ҳодисаларга ҳамиша хушёр муносабатда бўлишга қақирадилар. Энг олий мақсад — юрт тинчлиги, эл осойишталиги дея таъкидлайдилар. Худди шундай. Она Ватан яхлитлигини сақлаш, халқимиз омонлигини муҳофаза қилиш олий вазифадир.

Албатта, орадан йиллар ва даврлар ўтади, аммо она Ватани тинчлиги ҳамда эл осойишталиги йўлида азиз жонларини фидо қилган Баҳром Жўраев сингари мард ўғлонларнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Зеро, мардлик мангуликка дахлдордир.

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси,
Абдуғўфур САТТАРОВ,
Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгаши
раисининг ўринбосари.

НУҚТАИ НАЗАР

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ: КЕЧАГИ ҚАДРИЯТ, БУГУН ВА ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТ

Тараққиёт ҳақида гап кетганда кўпинча иқтисодиёт, инвестиция, рақамли технологиялар ва йирик қурилишлар тилга олинади. Бироқ тарих шуни кўрсатадики, буюқ давлатларнинг ҳақиқий қудрати, аввало, инсон капиталида, инсон капиталининг эса мустаҳкам пойдевори тарбияда мужжасам. Агар тарбия мустаҳкам бўлса, жамият ҳар қандай синовни енгиб ўтади; агар тарбия заифлашса, энг катта бойлик ҳам миллатни таназзулдан асрай олмайди.

Маърифатпарвар шоир, драматург Абдулла Авлониининг машҳур фикри — “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот...” — бугун янада теран маъно касб этмоқда. Чунки XXI асрда рақобат давлатлар ўртасида эмас, аввало билим, маънавият ва инсон капитали ўртасида кечмоқда. Демак, тарбия энди фақат оила ёки мактабнинг вазифаси эмас, балки миллий тараққиёт стратегиясининг ажралмас қисмига айланди.

Кўпинча тарбия фақат ота-она зиммасидаги вазифа сифатида баҳоланади. Аслида эса боланинг дунёқарашига маҳалла, мактаб, оммавий ахборот воситалари, маданий муҳит ва рақамли макон ҳам таъсир кўрсатади. Агар ушбу тизимлар бир мақсад йўлида ҳаракат қилмаса, оилада берилган тарбиянинг таъсири сусайиши мумкин. Шунинг учун тарбияни умуммиллий вазифа сифатида англаш муҳимдир.

Бугун фарзандлар ахборотни, асосан, телефон орқали қабул қилмоқда. Масала телефоннинг ўзида эмас, ундан қандай фойдаланишдадир. Замонавий тарбия фарзандда ахборотни танлаш маданиятини, танқидий фикрлашни ва ёлғон ахборотни ажрата билиш қобилиятини шакллантириши керак. Бу маънавий иммунитетнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Китоб ўқиган бола нафақат билим, балки тафаккур ва ҳиссий маданиятини ҳам ўзлаштиради. Китоб инсонни сабр қилишга, мулоҳаза юритишга ва бошқаларнинг тақдирини ҳис қилишни ўргатади. Шу боис ҳар бир хонадонда китобхонлик муҳитини шакллантириш тарбиянинг ажралмас қисми бўлиши лозим.

Фарзанд катталарнинг айтган гапини

эмас, балки уларнинг бажарган амалдаги ҳаракатини эслаб қолади. Агар ота-она ҳалол меҳнат қилса, китоб ўқиса, катталарни ҳурмат қилса, бола бу фазилатларни табиий равишда ўзлаштиради. Шунинг учун тарбиянинг энг таъсирчан усули — шахсий намуна бўлишдир. Бу ҳақиқатни эса ҳеч қандай технология ўзгартира олмайди.

Бугунги келажақ авлод аввалги авлодлардан фарқли ўлароқ тезкор ахборот умони ичида ўсмоқда. Смартфон, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект платформалари унинг фикрлашига таъсир кўрсат



моқда. Шунинг учун фарзандни ахборотдан узиш эмас, ахборотни саралаш, танқидий фикрлаш ва маънавий иммунитетни шакллантириш муҳим вазифага айланди.

Бола учун биринчи таълим маскани она бағри, биринчи устоз эса ота-онасидир. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, масъулият каби фазилатлар китобдан олдин оила муҳитида шаклланади. Психологлар ҳам бу борада бола кўпроқ кўрган нарсасини амалда такрорлашни таъкидлайди ва бу ибора ҳаёт ҳақиқатига айланиб улгурган.

Буюқ аллома Абу Наср Форобий комил

жамият ҳақида сўз юритар экан, унинг асосида комил инсон туришини таъкидласа, ибн Сино бобомиз илм ва ахлоқ уйғунлигини инсон камолотининг шарти деб биллади. Сўз мулканиннг султони Алишер Навоий эса инсоннинг энг катта беағи унинг одоби эканини асарлари орқали ўқтиради. Бу мерос бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нетонки, биз фарзандларимиз учун энг яхши мактабни қидираймиз, энг яхши ўқитувчини излаяймиз, энг замонавий технологияларни харид қилаймиз. Аммо бир са



ҳам, иқтисодий ислохотлар билан ҳам тўлиқ бартараф эта олмаймиз. Чунки тарбияда бой берилган вақтнинг ўрнини ҳеч қандай тараққиёт тўлдирга олмайди.

Бугунги кунда мамлакатлар нафақат иқтисодиёти, балки инсон капитали билан рақобатлашмоқда. Инсон капиталининг асоси эса тарбиядир. Шунинг учун тарбия масаласи фақат оила ёки мактабнинг эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулиятига айланиши зарур.

Эртанги Янги Ўзбекистон қандай бўлиши ҳақида гапиришдан олдин, бугун қандай фарзанд тарбиялаётганимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Улуг маърифатпарвар Абдулла Авлони қарийб бир аср аввал айтган ҳақиқат бугун ҳам ҳаётий аҳамиятини йўқотгани йўқ: тарбия — ҳаёт масаласи. Уни кечиктириб бўлмайди, бошқалар зиммасига юклаб ҳам бўлмайди. Зеро, миллатнинг эртаси, аввало, бугунги тарбияга боғлиқ.

Шундай экан, ҳар бир ота-она, ҳар бир устоз ва ҳар бир фуқаро ўз олдига бир саволни қўйиши зарур, назаримиз: “Мен келажак авлодга қандай инсонни тарбиялаб қолдиряман?” Ана шу саволга берилган ҳаққоний жавоб эса ҳаётимизнинг эртанги истиқболини белгилайди.

Навбахор ДАРҲОНОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати раҳбари.



МАРКАЗИЙ БАНК:

“Йирик P2P ўтказмаларини назорат қилиш ғояси Конституцияга зид”

Йирик миқдордаги P2P (картадан картага) пул ўтказмалари тўғрисидаги маълумотларни солиқ органлари тақдим этиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига зид келади. Бу ҳақда Марказий банк раиси ўринбосари Абдорўжа Турдалиев расмий изоҳ берди.

Ушбу моддада ҳар бир шахснинг мулк ҳуқуқига эга эканлиги, банк операциялари, омонатлар ва ҳисобварақлар сирини, шунингдек, мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Регуляторнинг таъкидлашича, пул ўтказмаларини назорат қилиш бўйича ушбу ташаббус аввалроқ жамоатчилик орасида ҳам кескин танқидларга сабаб бўлган эди. Марказий банк Солиқ қўмитасига мазкур қарор лойиҳаси “Банк сирини тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига зид эканлигини олдиндан маълум қилган.

Лойиҳанинг амалга оширилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилишига, нақд пулдан фойдаланиш ҳажмининг ортишига, маблағларнинг банк тизимдан норасмий муомалага чиқиб кетишига ва яширин иқтисодиёт қўламининг кенгайишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, Марказий банк ушбу чеклов нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ўртасидаги номутаносибликни қучайтириши мумкин, деб ҳисоблайди. Регулятор, шунингдек, меъёрий ҳужжат лойиҳаси Солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилганини, маълумотларни узатиш учун нима сабабдан айнан оилга 500 БҲМ миқдоридоги чегара танлангани бўйича Марказий банкнинг ўзида ҳеч қандай асослар мавжуд эмаслигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Марказий банк тизимда Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ банк сирини ва шахсий маълумотларнинг дахлсизлигини таъминлайдиган, ахборотни ҳимоя қилишнинг замонавий техник ва ташкилий чоралари аллақачон йўлга қўйилганига ишонч билдирди.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ЁЛҒОН АХБОРОТГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ
ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан “Рақамли дунёда ёлғон ахборотга қарши курашиш муаммолари” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда миллий ва халқаро медиа экспертлар, олимлар, журналистлар ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этиб, дезинформация ва ёлғон ахборотларга қарши курашиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, медиасаводхонлиқни ривожлантириш ҳамда ижтимоий тармоқларнинг ёшлар он-гига таъсири каби долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Тадбир давомида замонавий ахборот таҳдидларига қарши самарали ёндашувлар юзасидан фикр алмашилиб, халқаро тажрибани ўрганиш ва медиа соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

МУАЙЯНА ХҲҲАЕВА:
УМРБОҚИЙ МАКТАБ ВА ИБРАТ ЙЎЛИ

Самарқандда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Муайяна Хўжаева таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан маърифий-ижодий учрашув руҳидаги давра суҳбати ташкил этилди.

А.С.Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раҳбарияти, вилоят ҳокимлиги вакиллари, фахрий журналистлар, олимлар, ижодкорлар ҳамда ОАВнинг ёш ходимлари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев олиб борди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Муайяна Хўжаева нафақат сермахсул журналист, балки бир неча авлод вакиллари учун касбий маҳорат мактабини яратган фидойи ижодкор сифатида эътироф этилади. Унинг касбга садоқати, ҳаётий тажрибаси, принципиал позицияси ва инсоний фазилатлари бугун ҳам журналистлар учун ибрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари Рустам Қобилов вилоят ҳокимининг табригини ўқиб эшиттирар экан, Муайяна Хўжаеванинг кўп йил-



лик самарали меҳнати, жамият ҳаётидаги фаол фуқаролик позицияси ва миллий журналистика ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида эътироф этди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шўхрат Орипов фахрий журналистнинг сермазмун ижодий йўли ёш авлод учун чинакам маҳорат мактаби эканини таъкидлади.

— Бугун 85 ёшни қаршилаётган Муайяна Хўжаева ҳеч муболагасиз замонавий ўзбек журналистикасининг фидойи вакилларида биридри. Унинг тўрт тилда эркин ижод қилиши, хорижда фаолият юритгани, даврнинг

долзарб муаммоларини дадил ёритгани бугунги ёш журналистлар учун ҳам катта тажриба мактабидир, — деди уюшма раиси.

Қайд этилганидек, Муайяна Хўжаева меҳнат фаолиятини 1963 йилда вилоят радиосида бошлаган. Кейинчалик “Овози тожик” газетаси ҳамда Ўзбекистон телерадиокомпаниясида самарали фаолият юритган. 1970-1972 йилларда Куба университетида ишлагани эса унинг халқаро тажрибасини янада бойитган.

Самарқанд халқаро технология университети ректори Юсуф Абдуллаев журналистнинг илмий ва пуб-

лицистик меросига юқори баҳо берар экан, унинг фаолиятини миллий маърифатпарварлик анъаналари давомчили сифатида эътироф этди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Муқаддас Абдусаматованинг видео-муносабати намойиш этилди.

Фахрий журналистнинг сафдошлари ва шогирдлари — Шоҳаҳқор Салимов, Шохрух Бехбудий, Холида Абдухолиқова, Тозибой Икромов, Шўхрат Самадов ва бошқалар Муайяна Хўжаеванинг бугун ҳам ижтимоий тармоқларда фаол фикр билдираётгани, жамият ҳаётидаги муҳим масалаларга бефарқ эмаслигини алоҳида қайд этдилар. Давра суҳбати давомида устоз журналистнинг бой ижодий мероси, касбий фаолияти, журналистикадаги жасорати ва инсоний фазилатлари ҳақида самимий хотиралар эсланди.

Муайяна Хўжаеванинг ҳаёт йўли шуни яна бир бор тасдиқлайдики, журналист нафақага чиқиши мумкин, аммо унинг сўз олдидаги масъулияти, жамият олдидаги бурчи ва ижодий салоҳияти ҳеч қачон тўхтамайди. Ана шундай фидойи устозларнинг ҳаёти бугунги ёш журналистлар учун ҳамма ибрат мактаби бўлиб қолади.

ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ РИВОЖИ —
ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Коммуникациялар департаменти ташаббуси билан интернет нашрлари вакиллари, медиа мутахассислари ва соҳа экспертлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Гибрид форматда ташкил этилган мулоқотда ҳудудлардаги интернет нашрлари вакиллари ҳам видеоконференцалоқа орқали қатнашди.

Тадбирда электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, журналистларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш, ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш



ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида интернет нашрларининг аудиториясини кенгайтириш, контент сифатини ошириш, таҳририятлар фао-

лиятида учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан соҳа вакиллари ўз фикр ва тақлифларини билдирдилар. Таъкидланганидек, ушбу тақлифлар журналистлар манфаатларини ҳимоя қилиш, медиа соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш ҳамда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида бундай очик мулоқотларни изчил давом эттириш, келгусида телеканаллар, радиостанциялар, блогерлар ва медиа экспертлар иштирокида ҳам соҳага оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилаётгани қайд этилди.

БОСМА ОАВ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан босма оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда журналистларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, босма нашрлар фаолиятини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, контент сифатини ошириш, рақамли платформалар билан интеграциялашув ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаш-

тириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида соҳа вакиллари ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ушбу тақлифлар медиа соҳасини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Давра суҳбати журналистлар ва таҳририятлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ташаббусларни шакллантиришда муҳим мулоқот майдонида айланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

МУШОҲАДА

МЕДИА МАКОНДА —
АЁЛ ЖУРНАЛИСТЛАР

Шиддат билан ривожланиётган Янги Ўзбекистонда очиқлик, ошқоралик ва сўз эркинлиги йил сайин давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бевосита оммавий ахборот воситаларининг кенг қўламли, салмоқли хизмати билан ўлчанади. Айниқса, миллий медиа маконимизнинг шаклланиши, ривожланиши ва мазмунан бойишида ижодкор опа-сингилларимиз, мухтарам аёл журналистларимиз қўшаётган ҳисса таҳсинга лойиқ. Матбуот ва оммавий коммуникациялар соҳасида меҳнат қилаётган аёллар нафақат воқеа-ҳодисаларни ҳолис ёритиш, балки жамиятнинг энг нозик, оғриқли муаммоларини, ижтимоий масалаларни қалб призмасидан ўтказиш, ҳаттоки уларга ечим тақдим этишда ҳам ўз ўрнига эгадир.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган VII конференциясида биз соҳанинг ўтган даврдаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, **2026-2030 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепциясини** тасдиқладик. Мазкур тарихий ҳужжатнинг энг муҳим бўғинларидан бири — тизимда фаолият юритаётган аёл журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг ва тенг имконият яратиш масаласидир. Замонавий ўзбек журналистикасини нафақат анъанавий босма нашрлар, балки тезкор интернет сайтлари, рақамли телевидение, радио тўлқинлари, фаол блогерлик маконисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қувонарлиси шундаки, бу йўналишларнинг барчасида аёл ҳамкасбларимиз етакчи мавқени эгаллаб келмоқда. Улар иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, тиббиёт, таълим, спорт, солиқ, маданият ва маънавият мазмунида теран таҳлилий материаллар тайёрлаб, кенг муштарийлар ва кузатувчилар аудиториясининг ишончини қозонмоқдалар.

Аёл журналистларимиз хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, касб-ҳунар эгаллаш, оила институтини мустаҳкамлаш каби ўта муҳим ижтимоий масалаларни тизимли равишда кун тартибига олиб чиқмоқдалар. Улар қаламига мансуб мақола ва репортажлар икром ҳокимияти органларини ҳушёрликка қажирши, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва халқ фаровонлигини оширишда кучли таъсир воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ глобаллашув ва рақамли технологиялар асри соҳа ходимлари, хусусан, аёл ижодкорлар зиммасига янги, янада мураккаб вазифаларни юклармоқда. Бу эса уюшма раҳбариятидан уларни мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳар йили 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларига табрик йўллашди. Унда журналистлар қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уй-жой ва соғлиқни сақлаш шароитларини яхшилаш борасида қатор вазифалар белгиланади. Бу имкониятлар, энг аввало, оилавий ҳаёт бораётган аёл журналистлар учун юксак ижтимоий ҳимоя пойдеворидир. Соҳа ривожини кўйидаги кенг қўламли имкониятлар яратилган ва ривожлантирилмоқда.

Ҳуқуқий ҳимоя тизими: журналистлар касбий фаолиятига ноқонуний аралашув, ахборот олиш йўлидаги тўсиқ ва ижодкорларга нисбатан бўлаётган руҳий-маънавий босимларнинг олдини олиш мақсадида уюшма қошида тузилган махсус юридик марказ фаолияти кучайтирилмоқда. Аёл журналистларнинг

ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни медиа-ҳуқуқ йўналишида бепул маслаҳат билан таъминлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳудудларда, айниқса, чекка туманларда фаолият юритаётган, оғир ижтимоий шароитга эга бўлган аёл ижодкорларни моддий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли шартларда уй-жой ажратилишига қўмаклашиш, санаторий ва даволаниш масканларига йўлланма бериш жараёни такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси келгуси беш йилликда аёл журналистлар ва блогерларнинг профессионал ўсишини таъминлашга энг устувор вазифа сифатида қараб, истиқболли лойиҳаларни тайёрламоқда. Бутун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хотин-қиз журналистларни, матбуот котибларини, қолаверса, рақамли макон ижодкорларини бирлаштирувчи ягона платформа ташкил этилади. Бу платформа тажриба алмашиш, ўзаро ижодий ҳамкорлик ва касбий бирдмаликни мустаҳкамлаш майдонига айланади. Ахборот маконидида сунъий интеллект, дата-журналистика технологияларини эгаллаш ҳаётини зарурлатидир. Шу мақсадда уюшмамиз томонидан аёл журналистлар учун рақамли қўлимақпарни ривожлантириш бўйича махсус бепул тренинг ва маҳорат дарслари тизимли ташкил этилади. Фаол ва истеъдодли аёл ижодкорларни ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли медиа-тузилмаларига қисқа мuddатли стажировкага юбориш дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

“Атиргул” республика ижодий танловини қайта ташкил этиш. Хотин-қизлар орасидан энг иқтидорли журналистларни кашф этиш, уларнинг оғир ва машаққатли меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадида фаолиятини маълум муддат тўхтаб қолган миллий танлов қайта ташкил этилади. Ушбу танлов анъанавий “Олтин қалам” миллий мукофоти билан бир қаторда опа-сингилларимиз учун юксак рағбат майдонига айланади. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетидида таълим олаётган талаба қизларни соҳага чуқурроқ йўналтириш ва уларни тажрибали, фахрий ижодкорларга бириктириш анъаналари йўлга қўйлади. Олий таълим муассасаларининг журналистика факультетларида таҳсил олаётган талаба қизлар ишлаб чиқариш амалиётини жонлантириш жараёни қайтадан қўриб чиқилади.

Миллий матбуот ва журналистика қачон кучли воситага айланади? Қачонки соҳа вакиллари ўзини давлат ва жамият томонидан ҳар томонлама ҳимояланган, қадрланган деб ҳис қилса, уюшма ижодкорларнинг чинакам сунъи ва таянчига айланишга миллий матбуотнинг таъсирчан кучи ошади, нуфузи мустаҳкамланади. Аёл журналистларнинг медиамаконида ўз ўрнини топиши, уларнинг тинч ва хотиржам муҳитда, юксак касбий иштиёқ билан ижод қилиши нафақат медиа соҳаси, балки бутун жамиятимизнинг тарақиёт гарови бўлиши мумкин. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ўз олдида қўйган янги ва кенг қўламли ислохотлар даврида мухтарам аёл ҳамкасбларимизни, опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашнинг истиқболли лойиҳалари устида бош қотирмоқда. Биз уларнинг кучига таянган ҳолда, Янги Ўзбекистоннинг ёрқин, очик, ҳолис ва қудратли медиа муҳитини яратамиз ва бу йўлда бор билим, тажриба ва имкониятларимизни сафарбар эта-миз. Ижодингизга барака! Қаламингиз ҳаммиса ўткир, сўзингиз эса кескир ва ҳаққоний бўлсин, азиз опа-сингиллар!

Шахрибону ИМОМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари.

ЯНГИ НАШР

ИСТИҚЛОЛ ТЎЛҚИНЛАРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуловнинг “Истиқлол тўлқинлари” деб номланган китоби нашрдан чиқди. “Ўзбекистон” нашриёти чоп этган мазкур китоб “Давр журналист нигоҳида” туркумида нашр этилган.

Муаллиф совет даври, мустақилликнинг дастлабки йиллари ва ҳозирги ўзбек матбуоти, журналистикаси ҳақида ўзининг кузатишлари, фикр-мулоҳазаларини ўзи бошидан ўтказган, бевосита иштирок этган воқеалар асосида баён қилган. “ЎЗА қандай шаклланди?”, “ЎЗА веб-сайтининг яратилиши ҳақида”, “Таржима, таржима... жоним олдинг-а жимгина”, “Фотолар ва хатолар”, “Аяган кўзга чўп тушади”, “Шароф Рашидов: биронта ҳокимдингизни жазоламанг” каби бўлимларда қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинган.

Китобнинг “Дахлдорлик” деб номланган бобидаги барча мақолаларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улугвор ўзгаришлар, кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилган. Китобдан муаллифнинг турли йилларда ёзилган публицистик мақолалари ва эсселаридан намуналар ҳам ўрин олган.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳалим Саидов сўзбоши ёзган.

Куйида ушбу китобдаги икки лавҳани эътиборингизга ҳавола этдик.

УСТОЗЛАР ИБРАТИ

Устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўрғалар, дейдилар. Бу гапда теран маъно бор. Устоз-шогирдлик барча соҳалар сингари ижодий ишларда, жумладан, журналистикада катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан мен Яратганга беадаб шукроналар билдираманки, умримнинг барча босқичларида яхши устозларга дуч келдим. Хусусан, журналистика соҳасида иш бошлаган дастлабки йилларимдан элу юртга таниқли ҳақиқий устозлар қўлида ишладим. Булар — филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қайюмов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Асқад Мухтор, Одил Ёкубов. Лазиз акадан сиёсий савод ва ҳушёрлики, Асқад акадан оғир-вазминлик, ҳар бир масалага теран ёндашиш ва мулоҳазакорлики, аини дамда камтарлики, Одил акадан шиддат ва жасоратни ўргандим. Кейин қаерда, қайси лавозимда ишламай, шу устозларни эсладим, бирон-бир муаммога дуч келганимда ёки қанақадир масалани ҳал қилишда иккилиб қолганимда “Буни Лазиз Қайюмов қандай ҳал қилар эди? Асқад Мухтор қанақа йўл тутар эди? Одил Ёкубов нима қилган бўларди?” деган саволларни ўзимга бердим ва илоҳи борича улар тутган йўлни танлашга ҳаракат қилдим. Очигини айтман, кўпинча Асқад Мухтор фаолияти, у кишининг муҳаррирлик, раҳбарлик ва устозлик услуби ёдимга келар ҳамда шундай йўл тутушни маъқул кўрадим. Зотан, Асқад Мухтор билан нисбатан кам (бир ярим йил) ишлаган бўлсам-да, у кишидан кўп нарсас ўргандим ва бундан беҳад хурсандман.

Энди устоз Асқад Мухторнинг камтарлигини кўрсатувчи кичик бир мисол келтириб ўтсам.

Асқад ака “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бош муҳаррир бўлиб келган (1981) мени масъул қотиб этиб тайинлади. Мен санъат бўлимида оддий мухбир эдим. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг биринчи сонини чиқаришга бир ой тайёргарлик кўрдик. Ижодий ва техник томонларини ўйладики, маслаҳатлашдик. Шу жараёнда бир фикр келди ҳаёлимга. “Литературная газета”нинг номи ёнига Пушкиннинг сурати қўйилган. “Биз янги чиқаётган саккиз саҳифали рангли газета номи ёнига Алишер Навоий суратини қўйсак қандай бўлар экан?” Бу таклифни Асқад акага айтдим.

— Яхши фикр, маъқул, — деди Асқад Мухтор. — Навоийнинг яхши суратини топинг.

Бир неча вариантларни кўриб, Кайдалов ишлаган суратни қўйишга қелишдик.

Яна бир факт. “Ўзбекистон маданияти” пайтитада газетига фалон йил чиқиши, масалан, 25-йил чиқиши, деб ёзиларди. Ҳолбуки, аксарият газета ва журналларга “фалон йил фалон санадан чиқа бошлаган”, деб ёзиларди. Шуни ҳам аниқлаш мақсадида Навоий номидаги Миллий кутубхонага бориб, “Ўзбекистон маданияти” газетасининг биринчи сонини топдим. 1956 йил 4 январда чиққан экан. Ёзувчи Мумтоз Мухамедов редактор бўлган экан. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги “Ўзбекистон маданияти” газе-

ротация цехига юборилар эди. У ерда матрицадан кўргошинда стереотипга (ярим цилиндр шаклида) кўчирилди. Булар газета босадиган машинанинг барабанига ўрнатиладди. Қисқаси, жуда кўп ва мураккаб жараёндан ўтарди.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталиги — Ўзбекистонда биринчи саккиз саҳифалик рангли газета эди. Босмахонада бунақа газета чиқариш тажрибаси бўлмагани сабабли ҳар бир сонни чиқариш жараёни кўпинча асабийлик билан ўтарди. Масъул қотиб бўлганим учун босмахона билан мен ишлардим. Улар ўзиникини маъқуллашга ҳаракат қилар, мен “биз бюротмачимиз, биз айтгандай бўлади”, деб туриб олардим.

Бир куни Асқад ака “Белоруссияда, Қозғистонда адабиёт газеталари офсет усулида босилар экан. Бир бориб уларнинг тажрибасини ўрганиб келмайсизми?” деди. Бажонидил рози бўлдим ва Беларуссияга отландим.

Минска тунда бордим. Эрталаб деразадан ташқарига қарадим, мақсад — об-ҳавони билиш ва шунга қараб кийиниш (адашмасам, май ойи эди). Куёш чарақлаб турибди. Одамларнинг кийинишига эътибор бердим: биров пальтода, кимдир плашда, яна бошқаси ундан ҳам енгилроқ кийимда. Билдимки, ҳаво совуқкина. Маҳаллий аҳоли пальто-плашда юрганда менга ўхшаб иссиқ ўлкадан келганлар иссиқроқ кийингани дуруст.

Ижодкорлар газетасида ишлайдиганлар, ҳойнаҳой, соат ўндан олдин келмаса керак, деган ўй билан, соат ўн бирларни мўлжаллаб “Литература и мастава” тахририятига бордим. Бир қаватли оддийгина бинода экан. Ёшиқ олдида ўтирган қоровулдан бош муҳаррир хонасини сўрадим. У меҳмонлигимни билиб, қулди ва: “Ҳали вақтли, улар соат ўн иккида келади ишга”, деди. Нима қилишни билмай ўйланиб қолдим: кўча айланай десам, ҳаво совуқ, бунинг устига, Минска биринчи марта келишим, қаёққа боришни билмайман. Қоровул сезгир экан:

— Юринг, қабулхонани очиб бераман, ўша ерда дам олиб ўтиринг, кўча совуқ. Балки муҳаррир эртароқ келиб қолар, — деди.

Торгина қабулхонада ярим соатлар ўтирувдим, папка кўтарган бир киши кириб келди. “Бош муҳаррир” деб ёзилган эшикни очди-да, мени ичкарига таклиф қилди (қоровул Тошкентдан меҳмон келди, қабулхонада кутиб ўтирибди, деган бўлса керак). Папкасини столга ташлади-да, сейфни очди. Мен билан сўрашмади ҳам. Индамай уни кузатиб турибман. Бир шиша коньяк, иккита қадаҳ, бир кути шоколад олди. Шиша очилган экан, қадаҳларни тўлдириди.

— Қани ол, — деди, — танишганимиз учун. Мен шу газетанинг бош муҳаррирман: Алес Жук.

Мен ҳам исм-фамилиямни айтдим. Унинг ҳаракатлари шу қадар қатъий, ишончли эдики, бирон-бир эътироз билдиришнинг илоҳи йўқ эди. Икки қадаҳдан олганимиздан кейин мақсадимни айтдим.

— Бу қийин эмас, — у столда турган газета тахламини варақлади. — Мана шу офсет усулида босилган... Бугун мен эртароқ келдим, омадинг бор экан. Одатда, ходимларим ўн иккида, мен соат бирларда келаман, — яна қадаҳларга коньяк қуйди. — Буни ўйлама, ҳозир масъул қотибим келамди, сени босмахона олиб бориб, ҳаммасини тушунтиради. Ҳеч қийин жойи йўқ, барчасини босмахона ишчилари қилади.

Анча суҳбатлашдик. Китобига дастхат ёзиб берди. Гап айланиб қалам ҳақида такалди.

— Газетанинг бир сонига қанча гонорар тўлайсан?

— Саккиз юз сўм, — дедим.

А.Жук ажабланиб қаради:

— Нега саккиз юз сўм?

— Бизда Марказий Комитетнинг бирлашган нашриёти бор, барча газета-журналларга маошини ҳам, гонорарни ҳам шулар беради. Мен фақат қайси материалга қанча гонорар берилишини ёзиб бераман, бир сонинг умумий суммаси саккиз юз сўмдан ошмаслиги керак.

— Бизда ҳам шунақа. Бу союз бўйича ўрнатишган тартиб, — деди Алес Жук. — Лекин иттифоқдош республикалар адабиёт газеталарининг гонорари ҳам юқоридан белгилаб берилган. Барча республикаларда бир хил сумма ёзилган, яъни бир минг олти юз сўм.

— Бир минг олти юз сўм? — дедим ҳаяжонимни яширолмай. — Ҳозиргидан икки баравар кўп экан-да.

— Худди шундай. ЦК билан Совминнинг қарори бор.

У шундай деб, сейфдан бир папка олди. Очиб титкилаб-титкилаб, бир қозони менга узатди. Бу КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори эди. Унда аниқ-тиниқ қилиб, иттифоқдош республикалар адабиёт газеталарининг ҳар бир сонига бир минг олти юз сўмдан (рубль) гонорар берилиши ёзиб қўйилган эди. Мен кўларимга ишонмасдим. А.Жукка раҳмат айтиб, ўша қарорнинг номини, қачон имзолангани, ҳаммасини ён дафтаримга ёзиб олдим. Бундан роса қувондим. Бир эзгу иш иккинчисини бошлаб келади, деганларидек, офсет усулида босишни ўрганиш учун келиб, қалам ҳақини оширишга ҳам асос топган эдим. Аини пайтда кўнглимда бир афсус, ранжиг пайдо бўлди: бу қарорни бирлашган нашриёт раҳбарлари билмаслиги мумкин эмас. Чунки бунақа ҳужжатлар ҳамма жойга жўнатилади. Демак, нашриёт раҳбарлари шу пайтгача бизни, яъни тахририятни, унинг муҳаррири — атоқли ёзувчи Асқад Мухторни алдаб келган.


Тошкентга келгач, буни Асқад акага айтдим. У киши ҳам ранжиди. Ниҳоятда бағрикенг, олижаноб инсон эди-да Асқад ака. Ич-ичидан афсус билан: “Ноинсофлар”, деди, холос. Сўнг менга: “Боринг, нашриёт раҳбарларига айтинг”, деди.

Мен бирлашган нашриёт мутасаддиларига бор гапни айтдим. Ушандан кейин газетанинг ҳар бир сонига бир минг олти юз сўмдан қалам ҳақи ёза бошладик. Бундан барча — тахририят ходимлари ҳам, муаллифлар ҳам суюндим.

Нашриёт раҳбарлари томонидан ҳеч қандай эътироз билдирмай, саккиз юз сўмдан бир минг олти юз сўмга рози бўлганидан билдимки, улар юқорида мен эслатган қарордан хабардор. Акс ҳолда, менинг ён дафтаримдаги ёзувга ишониб шунча пулни бермас эди...

Газетамизни офсет усулида босиш жорий этилди. Бу сифат жиҳатидан кескин ўзгаришга сабаб бўлди.

ТАЙИНЛАЙМИЗ, ФАҚАТ ТАНҚИДИЙ МАҚОЛА ЁЗАДИ



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мамлакатнинг бош ахборот маҳкамаси сифатида жойлардаги аниқликлар ҳақида ҳам ахборотлар бериб бориши лозим. Бунинг учун вилоятларда мухбир ва фотомухбир бўлиши керак. Янги талабларга жавоб берадиган, ёш, ғайратли, фикр доираси кенг, замонавий журналистлар зарур эди. Бундай журналистларни топиш, айниса, вилоятларда осон эмас эди.

Ёзилмаган тартиб бўйича мухбирликка номзодлар вилоят ҳокимлиги билан келишилди эди. Тўғри, бўйруқ ЎзАдан чиқади, маошини ҳам шу ердан олади. Турли йиғилиш ва тадбирларда қатнашиши керак. Шу маънода бўлажак мухбирни вилоят ҳокими билиши, таниши лозим эди. Ана шу нуқтаи назардан вилоят ҳокимлиги билан келишилди эди. Мана шу жараёнда баъзан вилоят ҳокимлиги, аниқроғи, ҳоким билан фикр бир жойдан чиқиши бироз қийинчилик туғдирар эди. Айрим ҳокимлар ўзининг номзодларни тавсия этишга чоғланар, у номзодлар ҳар доим ҳам бизга маъқул бўлавермас эди. Гоҳо биз танлаган номзодларни вилоят ҳокими маъқулламасди. Шу масалага доир бир мисол келтирмоқчиман, токи айтганларим қуруқ гап бўлиб қолмасин.

Бир вилоятга мухбир олаётганимизда ана шу тартибга асосан вилоят ҳокимлигига маълумот киритдик. Маълум вақт ўтиб, хабар келдики, вилоят ҳокими рози бўлмабди. “Нима учун рози бўлмади?”, деган саволга мутасаддилардан тайинли жавоб ололмадик. Натижада вилоят ҳокимига кўнги-роқ қилишимга тўғри келди.

— Бу номзодга қандай эътирозларингиз бор? — дедим. — Унинг журналистлик маҳорати, тажрибаси етарли эмасми ёки ахлоқи ёмонми? Балки биз билмаган бирон айби-нуқсони бордир?

— Йўқ, — деди ҳоким. — Ҳеч қандай айби йўқ. Унга журналист сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам эъ-

тирозим йўқ. Тажрибаси ҳам етарли, яхши ёзади, ҳовлиқма эмас, оғир-вазмин, мулоҳазали йигит.

— У ҳолда нега қаршилиқ қияласиз?

Ҳоким бироз жим турди-да, деди: — Сизга нима десам экан... — Очик айтаверинг, эртага бизни ҳам, Сизни ҳам уялтириб қўямасин. Вилоят мухбирининг зиммасида масъулиятли вазифа бор, — дедим.

— Тўғри айтасиз, — деди ҳоким. — Шунинг учун сал ўйланиб турибман-да.

— Хўш?

— Биласизми... У йигит билан битта тумандан эканмиз. Ҳужжати билан танишгач, билдим.

— Олдин танимас эдингизми?

— Журналист сифатида билардим, тадбирларда қўрганман, гаплашганман, аммо қайси тумандан эканини билмас эдим.

Кулгим кистади.

— Бор-йўқ “айби” шуми?

— Шундай деса ҳам бўлади.

— Демак, Сизнингча, вилоят ҳокими билан тумандош ёшлар яхшироқ лавозимларда ишлаши мумкин эмас экан-да?! Шундайми? — Ҳоким жавоб бермади. — Ака, Сиз у йигитни вилоят ҳокимлигига ишга олаётганингиз йўқ, бирон-бир базага директор ёки вилоят микёсидаги ташкилотга раҳбар қилиб қўяётганингиз йўқ-ку. Уни биз ишга олаемиз, у бизнинг, яъни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ходими бўлади. Вилоятингизда ЎзАнинг янги мухбири иш бошлаётганидан Сизни хабардор қилиш мақсадида олдингиздан ўтганмиз...

— Эртага у вилоятдаги ишларни мактаб мақола ёзса, одамлар ҳокимнинг тумандоши-да, мактапта, дейиши турган гап.

Бу гап янада қулгили бўлди. Гапни ҳазилга бурдим:

— Хавотир олманг, унга тайинлаб қўямиз, мактамайди, фақат танқидий мақолалар ёзади. Фақат Сиз чидасангиз бўлди.

Ҳоким зарофатли, ҳазилу кинояни нозик тушунар эди. Менинг ҳазилимга жавобан деди:

— Ўлдиранг экансиз-да...

Икковимиз баравар қулдик.

...Шундай қилиб, янги мухбир иш бошлади, ижобий мақолалар ҳам, танқидий мақолалар ҳам ёзди.

Орадан бир йилми-икки йилми ўтди. Бир куни ўша мухбир келганини айтишди. Қирди. Салом-алиқ қилдик. Негадир кайфияти яхши эмасди. Мен сўрамасидан ўзи гап бошлади.

— Ҳоким мени бўшасин, депти.

— Нера? Нима айб қилдингиз? Ким айтиди бунини?

— Матбуот қотиби айтиди.

— Ҳоким сизни бўшатолмайди, сиз уларнинг ходими эмасиз-ку.

— Айтдим шуни. “Раҳбарига менинг номимдан хат ёз”, дебди ҳоким.

— Сабаби нима? Очик айтинг менга.

Ўша кезлар ўша вилоятлик қиз шахмат бўйича халқаро мусобақада юқори натижага эришган, Президент уни мукофотлаган эди. Мукофотни вилоят ҳокими топишган. Мухбир шуни ёзган. Мақола кўплаб газеталарда чиққан. Вилоят газетаси, табиийки, биринчи саҳифада берган. Шундан ҳоким ғазабланибди.

— Шу гапми? Бошқа гап йўқми?

— Ҳа. Нимага менинг фамилиямни кўрсатади, деб ҳақли чиқибди.

Мухбирдан яна сўрадим:

— Бошқа сабаб бўлса ҳам очик-ойдин айтинг. Ҳозир кўнги-роқ қиламан ҳокимга.

— Бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ, — деди мухбир. — Матбуот қотибига тушунтирмоқчи бўлдим, эшитгиси келмади.

Ҳокимга кўнги-роқ қилдим. Хайрият,

жойида экан. Салом-алиқдан кейин шикоят қила кетди.

— Бошида Сизга айтувдим-ку бу бола билан бир туманданмиз, мени мактаса балого қоламан, деб.

— Қачон мактади Сизни?

— Ана, фалончи қизга мукофотни ҳоким топширди, деб ёзибди, газеталарнинг биринчи бетига чиқибди. Энди мен раҳбариятдан гап эшитаман.

— Биринчидан, вилоятингиздан шундай истеъдодли қиз чиққанидан хурсанд бўлинг. Иккинчидан, ўша қизга Президент мукофот берди. Сиз Президентнинг вакили сифатида у кишининг топиригига биноан давлат раҳбарининг мукофотини ўша қизга топширгансиз, яъни Президент топиригини бажаргансиз. Хўш, энди айтинг, ака, агар мақолада “мукофотни вилоят ҳокими топширди” демаса, Президент мукофотини ким топширган бўларди? Ўзингиз эмас, муовинингизми ёки спорт бошқармангиз раҳбари топширганда эди, ана унда кўрардингиз томошани.

Ҳоким бироз ховуридан тушди.

— Тўғри-ю... Лекин...

— Лекин-пекини йўқ, ака. Хавотир олманг, ҳаммаси жойида бўлади... Ҳа, яна бир гап, бу мухбир бизнинг ходимимиз, уни биз ишга олганмиз, маошини ҳам биз берамиз. Бир ташкилот ходимини бошқа идора раҳбари ишдан бўшати олмаса керак. Тўғрими? Кейин анави матбуот қотибингизга ҳам айтиб қўйинг, сал ўпқасини босиб олсин. Бу кетишда бир кун келиб, Сизни ҳам уялтириб қўйиши мумкин.

...Бу ҳаёт тасодифларга тўла. Етти ухлаб тушингизга қирмаган ишлар бўлади баъзан.

Бир кун муовинларимдан бири фалончи иш сўраб келди, нима дейишни билмадим, деди.

— Ким у? — дедим.

Муовин қулди.

— Фалон вилоятда матбуот қотиби бўлган эди-ку.

— Ие, у кишим бўшаптиларми? — ўша вилоятдаги мухбирингиз ҳамон ишлар эди. Муовинимга ҳазиллашдим. — Фалончиевга (мухбирнинг фамилиясини айтдим) учрашинг, иш топиб беради, демардингизми?

Бир вилоят ҳокимининг хотин-қизлар бўйича ўринбосари кўнги-роқ қилди. ЎзАнинг ўша вилоятдаги мухбиридан нолиди. Мухбир нима ишни нотўғри қилди, деган саволимга аниқ жавоб йўқ, ундай қилди, бундай қилди каби умумий гаплар.

— Фалончи Пистончиевна, Сиз вилоят ҳокимининг ўринбосарисиз, — дедим. — Агар шу гапларингиз рост ва асосли бўлса, ҳокимликнинг расмий бланкасига ёзиб, рўйхатдан ўтказиб, бизга расман жўнатиш. Биз ҳам хатингизни рўйхатдан ўтказиб, мухбирнинг фаолиятини текшираемиз. Бордию, ҳозир айтган гапларингиз асосли бўлса, мухбирга тегишли чора кўрамиз, аксинча бўлса, Сиз журналистга тўхмат қилган бўлиб чиқасиз.

— Хат ёзишим шартми? — деди.

— Албатта. Сизнинг оғзаки гапингизни рўйхатга ололмаймиз, папкага тикиб қўя олмаймиз. Мухбирнинг фаолиятини ўрганишимиз учун кўлимизда асос бўлиши керак. Келишдикми?

— Майли, ўйлаб кўрай, — деди.

Шу куйи жим бўлиб кетди. На хат келди, на бошқа кўнги-роқ бўлди.

Бошқа бир вилоят ҳокимининг матбуот қотибидан ҳам шу мазмундаги кўнги-роқ бўлди. Унга ҳам шу гапларни айтдим. Унинг жавоби ҳам ҳоким ўринбосари опанинг жавобига ўхшаш бўлди.

— Майли, ўйлаб кўрай-чи, — деди у ҳам.

Бошқа ҳеч қандай садо бўлмади.

